



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2021 yil "19" mart

329 -son

Toshkent sh.

Тошкент шаҳар ҳудудида муниципал автотураргоҳлар
ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги "Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4642-сонли қарори ижроси ҳақида"ги Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 24 мартдаги 292-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари мажмуаси ва "Муниципал активларни бошқариш маркази" давлат унитар корхонасининг 2020 йил 2 ноябрдаги 02-1222-сонли мурожаатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 24 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги "Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4642-сонли қарори ижроси ҳақида"ги 292-сонли қарори ва "Рақамли Тошкент" комплекс дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси" ижро учун қабул қилинганлиги;

"Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК ва "Пойтахт авто паркинг" МЧЖ томонидан Тошкент шаҳридаги давлат улуши бўлган деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда савдо мажмуалари билан ҳамкорликда бозорлар ва савдо мажмуалари атрофи ва ҳудудида жойлашган автотураргоҳларни хатловдан ўтказилиб, автотурагоҳлар реестри тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

2. "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК (М.Абдурахманов), "Пойтахт авто паркинг" МЧЖ (Э.Исроилов) ва Тошкент шаҳридаги давлат улуши бўлган деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда савдо мажмуаларини раҳбарлари: бир ой муддатда бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудида жойлашган автотураргоҳларни бошқариш шартномаларига асосан "Пойтахт авто паркинг" МЧЖ бошқарувига ўтказилиши таъминлансин.

3. Автотураргоҳларни “Пойтахт авто паркинг” МЧЖ бошқарувига ўтказилиши бўйича бошқариш шартномаларида қуйидагилар назарда тутилсин:

- шартномалар амал қилиш муддати кейинчалик узайтириш шarti билан камида 5 (беш) йил;

- “Пойтахт авто паркинг” МЧЖ автотураргоҳларда шаҳарсозлик, санитария, экология, ёнғин хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига жавоб берувчи, видеокузатув ва автотранспорт воситаларини кириш-чиқишини назорат қилувчи замонавий электрон ҳисобга олиш ускуналар билан жиҳозланишиш ва автотураргоҳларни зарур таъмирлаш ишларини амалга ошириш режа-графикини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- “Пойтахт авто паркинг” МЧЖ автотураргоҳларини электрон ҳисобга олиш ва назорат тизими билан жиҳозлаш, таъмирлаш ишларини молиялаш учун жалб этилган ўзининг ва кредит маблағларини бўлиб-бўлиб қоплашга йўналтириш ҳамда автотураргоҳлар ҳудудлари бўйича ер солиғи, коммунал ва бошқа тегишли харажатларни деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда савдо мажмуаларига қоплаб борилишини белгилаш;

- автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича хизмат кўрсатиш жойлари режаси ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги 213-сонли қарори билан тасдиқланган низомда келтирилган талабларга риоя этилиши;

- автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловлар, Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо мажмуалар маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида “ги тегишли қарорларига асосан амалга оширилиши.

4. “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК (М.Абдурахманов), Тошкент шаҳридаги давлат улуши бўлган деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда савдо мажмуаларини бошқариб келаётган акциядорлик, масъулияти чекланган жамиятлари бошқарув органлари, кузатув кенгашлари: бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудида жойлашган автотураргоҳларни “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК таъсисчилигида ташкил этилган ягона интегратор бўлган “Пойтахт авто паркинг” МЧЖ бошқарувига ўтказиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш чоралари кўрилсин.

5. Тошкент шаҳрида жойлашган деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда савдо мажмуалари атрофида бўш турган ва автотураргоҳлар ташкил этиш

имкони бўлган 2-иловада келтирилган ер майдонларини муниципал автотураргоҳлар ташкил этиш учун "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУКга вақтинчалик фойдаланиш учун бириктириб берилсин.

6. "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК (М.Абдурахманов), "Пойтахт авто паркинг" МЧЖ: бириктирилган ер майдонларини муниципал автотурагоҳлар ташкил этиш учун Марказ ягона таъсисчи бўлиб ташкил этилган "Пойтахт авто паркинг" МЧЖ бошқарувига ўтказилиши таъминлансин.

7. "Пойтахт авто паркинг" МЧЖ (Э.Исраилов):

- автотураргоҳларда шаҳарсозлик, санитария, экология, ёнғин хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига жавоб берувчи, видеокузатув ва автотранспорт воситаларини кириш-чиқишини назорат қилувчи замонавий электрон ҳисобга олиш ускуналар билан жиҳозланишиш ва автотургоҳларни зарур таъмирлаш ишларини амалга ошириш режа-жадвалини ишлаб чиқилсин ва белгиланган муддатларда амалга оширилсин;

- автотураргоҳлар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги 213-сонли қарори билан тасдиқланган "Автомобилотранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги низоми талабларга асосида ташкил этилсин;

- автомобилотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловлар, Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо мажмуалар маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида"ги қарорларига асосан амалга оширилиши таъминласин.

8. Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев): "Муниципал активларни бошқариш маркази" ДУК ягона таъсисчи бўлган "Пойтахт авто паркинг" МЧЖга муниципал автотураргоҳлар ташкил этиш учун берилган ер майдонлари бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштирилиши таъминлансин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосарлари Х.Шакиров ва Б.Рахмонов зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими



Ж.Артикходжаев

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2021 йил "19" март даги
329-сонли қарорига 1-илова

**Тошкент шаҳридаги давлат улуши бўлган деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда
савдо мажмуаларига бириктирилган автотураргоҳлар рўйхати**

т/р	бозор ва савдо марказлари номи	Давлат улуши	автотураргоҳлар маълумоти		
			сони	майdonи (кв.м.)	сигими (дона)
1.	"Aviasozlar dehqon bozori" АЖ	88,7	2	4200	168
2.	"Askiya dehqon bozori" АЖ	96,2	2	1234	50
3.	"Mirobod dehqon bozori" АЖ	96,0	4	2700	108
4.	"Navro'z dehqon bozori" АЖ	96,2	1	4100	164
5.	"Oloy dehqon bozori" АЖ	98,7	3	18500	740
6.	"Parkent universal savdo kompleksi" АЖ	92,3	1	3500	140
7.	"Sirg'ali dehqon bozori" АЖ	95,5	2	3261	130
8.	"Farxod dehqon bozori" АЖ	99,4	1	11000	440
9.	"Chilonzor buyum savdo kompleksi" АЖ	52,8	4	15812	634
10.	"Chorsu buyum savdo kompleksi" АЖ	96,7	1	4129	165
11.	"Eski-juva dehqon bozori" АЖ	78,5	1	5000	200
12.	"Yunusobod dehqon bozori" АЖ	94,9	1	3000	120
13.	"Qo'yliq dehqon bozori" АЖ	85,7	2	7100	284
14.	"Chilonzor dehqon bozori" МЧЖ	51,0	1	6253	250
15.	"Yangiobod ixtisoslashgan bozori" МЧЖ	100,0	1	600	24
16.	"Qora-qamish dehqon bozori" МЧЖ	98,5	1	672	27
	"Хонаки қушлар ва аквариум баликлари" шаҳобчаси		1	1000	40
17.	"O'rikzor savdo kompleksi" МЧЖ	100,0	5	20490	820
	"Полиз маҳсулотлари" шаҳобчаси		1	1820	73
	"Гидамлар олами" шаҳобчаси		1	5400	216
Жами			36	119771	4793

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2021 йил 19 март даги
319 -сонли қарорига 2 илова

**Тошкент шаҳар бозорлари ва савдо марказлари атрофида
автотурагаргоҳлар ташкил этиш ҳудудлари рўйхати**

т/р	туман	Манзили	ҳудудлар сони	чегара майdonи (га)*
1.	Учтепа	ТХАЙ ва "Ўрикзор савдо комплекси" МЧЖ олди тарафида	8	1.5584
2.		"Фарход дехкон бозори" АЖ орқа ва олди томонларида	2	0.8900
3.	Бектемир	ТХАЙ	2	0.9125
4.	Чилонзор	Бунёдкор шох кўчаси бўйлаб "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ олди тарафи ва "Бешиқўрғон савдо" МЧЖ кесишуви	4	1.5352
5.		ТХАЙ ва Дийдор кўчалари кесишуви, ("Бек тўп савдо комплекси" МЧЖ бозори)	1	0.8397
6.		Дийдор ва ТХАЙ кўчаларида	1	1.7886
7.	Яшнобод	Бешарик ва Бирлашган 6-тор кўчалари kesишувида	1	0.3928
8.		Толарик кўчасида	2	0.2400
9.	Сергели	Янги Сергели ва С.Джураева кўчалари kesишувида ("Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар" МЧЖ бозори олди томони)	1	1.2485
10.		Янги Сергели ва Мехригиё кўчалари kesишувида	1	0.4270
11.	Юнусобод	А.Темур ва "Олой дехкон бозори" АЖ берк кўчаси кесишувида	1	0.14
12.	Олмазор	Сағбон ва Заркайнар кўчалари кесишувида	1	0.25
13.		Қора Қамиш 2/5 "Қора-қамиш дехкон бозори" МЧЖ (Тансиқбой шаҳобчаси) ён тарафида	1	0.24
14.	Миробод	Миробод ва Авлиё ота кўчалари kesишувида	1	0.14
Жами			27	10.6027

* кадастр ҳужжатларига мувофиқ ер майдонлари чегарасига аниқлик киритилади